

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДАГИ МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ МАРКАЗЛАР
ФАОЛИЯТИ ТАРИХИ**

Шахриддин Зиядуллаевич ШАРИПОВ

Ўқитувчи

Шароф Рашидов номидаги

Самарқанд давлат университетининг

Ўзбекистон – Финландия педагогика институти

Самарқанд, Ўзбекистон

shaxriddin.domla@mail.ru

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистонда миллий-маданий марказларнинг фаолияти ва истиқболлари тўғрисида маълумотлар илмий манбалар асосида ўрганилиб керакли хулосалар чиқарилган. Самарқанд вилоятида фаолият юритаётган миллий-маданий марказлар томонидан амалга оширилган тадбирлар ва уларнинг мазмун моҳияти тўғрисида илмий фикрлар юритилиб, уларнинг бугунги кундаги аҳамиятини очиқ беришга ҳаракат қилинган.

Таянч сўзлар: Самарқанд вилояти, миллатлар, миллий-маданий марказлар, тадбир, урф-одат, маданият, тил, миллатлараро тотувлик.

**ИСТОРИЯ НАЦИОНАЛЬНО-КУЛЬТУРНЫХ ЦЕНТРОВ
САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ**

Шахриддин Зиядуллаевич ШАРИПОВ

Преподаватель

Узбекистан-Финляндия педагогический институт Самаркандского

государственного университета имени

Шарофа Рашидова

Самарканд, Узбекистан

shaxriddin.domla@mail.ru

Аннотация

В данной статье основе научных источников рассматривается информация о деятельности и перспективах национально-культурных центров Узбекистана и делаются необходимые выводы. Обсуждены научные мнения о деятельности национально-культурных центров, действующих в Самаркандской области, и сути их содержания, предприняты попытки раскрыть их значение на сегодняшний день.

Ключевые слова: Самаркандская область, народы, национально-культурные центры, события, обычаи, культура, язык, межнациональное согласие.

Ўзбекистон ҳудудида қадимдан турли цивилизация вакиллари, маданий катламлар, хилма-хил эътиқод ва дунёқарашлар ёнма-ён яшаб келган. Бу

худудда яшовчи халқлар миллат ва элатларнинг асосий қисми қадимдан яшаб келишади.

Уч минг йиллик тарихимизга назар ташлаганда олийжаноблик ва инсонпарварлик, миллатлараро тотувликка интилиш халқимизнинг энг юксак фазилатларидан ҳисобланади. Бу борадаги анъаналар авлоддан авлодга ўтиб келмоқда.

Маълумотларга кўра бундан юз йил аввал Ўзбекистон ҳудудида 70 га яқин миллат вакиллари истиқомат қилган. 1926 йилда Ўзбекистонда 90 га яқин миллат ва элат яшаган бўлса, 1959 йилда уларнинг сони 113 тага, 1979 йилда 123 тага, 1989 йилда эса 130 тага етган эди.

Бугунги кунда мамлакатимизда яшаб келаётган 130 дан ортиқ миллат ва элатларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари тақдим этган тенг ҳуқуқ ва имкониятлардан фойдаланиб, иқтисодиётнинг турли тармоқларида ва ижтимоий соҳада, илм-фан ва маданият соҳаларида самарали меҳнат қилиб, Ватанимизнинг гуллаб яшнашига ва унинг мустақиллигини мустаҳкамлашга, республиканинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва имижини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар [6].

Совет мустамлакачилиги истибдоди, миллий адолатсизлик, зулм, зўравонлик ва миллий истиқлол учун олиб борилган курашнинг энг юксак чўққисиди 1989 йилнинг ёз ойларида Фарғонада бошланган қонли фожиалар бўлди. Дастлаб Фарғонада бошланиб, сўнгра Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларига ҳам кенг тарқалган тўқнашув қизил салтанат мустамлакачилиги зулмининг маҳсули эди. Бу кўзғолон натижасида қанча одам қурбон бўлганлиги ва азият чекканлиги тўғрисида турлича маълумотлар берилган. Бу даражада катта фожиага олиб келган Фарғона исёнининг бош сабаби нимада, деган қонуний савол туғилади. Бу ҳақда собиқ Иттифокнинг марказий матбуот органлари ва Ўзбекистондаги жуда кўплаб газета ва журналларда ҳар хил хулосалар билдирилди. Кимдир уни ўзбеклар билан месхети турклари ўртасидаги миллий низо деди, бошқа бири аллақандай мафиянинг иши,

баъзилар СССР давлат Хавфсизлик Қўмитасининг ташкил этган фитнаси деб баҳолади [1;684].

Фарғона воқеаларидан сўнг, Ўзбекистоннинг янги раҳбарияти миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор берди. 1990 йилнинг охирида Ўзбекистон Президенти кенгашида миллий-маданий марказлар ва уларнинг ишини такомиллаштириш тўғрисида масала муҳокама қилинди [3; 672].

Ушбу кенгашда миллатлараро муносабатлар соҳасидаги давлат сиёсатини амалиётга татбиқ этиш, ҳудудларда истиқомат қилаётган турли миллатлар, элатлар вакиллари ўртасидаги ўзаро тотувлик ва ҳамкорликни таъминлаш давлат ва жамоат ташкилотлари ролини ошириш ҳамда мавжуд миллий маданий-марказлар фаолиятини янада такомиллаштириш масаласида тизимли ислоҳотларни амалга ошириш вазифалари белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг давлатга номи берилган ўзбек халқи билан ёнма-ён яшаётган барча миллат вакилларига ҳам миллат сифатида сақланиб қолишлари ва ривожланишлари учун барча шароитлар яратиб берилди.

Республикада аҳолининг кўпмиллатли эканлигини ҳисобга олган ҳолда тинчлик ва осойишталикни сақлаш ва янада мустақамлашнинг муҳим омили бўлган миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш, барча миллатга мансуб аҳолининг маънавий-маданий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган миллий-маданий марказлар фаолияти қўллаб-қувватланиб, миллатлараро муносабатлар тизими такомиллаштирилди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан 1992 йил 13 январда ташкил этилган Республика Байналминал маданият марказининг асосий вазифаси вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси, Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда миллатлараро муносабатлар соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишида қатнашиш, миллий-маданий марказлар

фаолиятини мувофиқлаштириш ва ўзига хос анъана, урф-одат ва расм-русумларни тиклаш ҳамда ривожлантиришда уларга кўмаклашишдан иборат.

Бу борада Республикада ҳозирги вақтда аҳоли сони бўйича биринчи ўринда турган Самарқанд вилояти кўпмиллатли ҳудудлардан саналади. Самарқанд тарихини тадқиқ қилиш жараёнида бу ҳудудда қадимдан турли миллат ва элат вакиллари муқим яшаб келганлиги ўз тасдиғини топган.

Самарқанд вилоятининг мустақиллик йилларида вилоятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ва маданий ривожланиши ва Республика вилоятлари орасида ўз ўрнига эга бўлиб ривожланишида ҳудудда яшаётган барча миллат вакиллари бир бўлиб ҳаракат қилаётганликлари диққатга сазовордир. Бу ҳудудда ўзбеклар билан биргаликда корес, арман, татар, бошқирд, немис, яҳудий, поляк, тожик, рус, турк, озарбайжон, араб ва бошқа миллат вакиллари қадимдан яшаб келишади.

Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир миллат шу азиз ватанни ўзларининг жонажон Ватани деб ҳисоблашлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир миллат Ўзбекистонни ўз ватани, тақдирини Ўзбекистон тақдирига туташ, ўз миллий маданиятлари ривожини Ўзбекистон тарақиётининг узвий қисми деб билади ва бу борада самарали фаолият олиб боришмоқда.

Ўз навбатида Ўзбекистон ҳукумати ҳам ватан тараққиётига юксак ҳисса қўшган ватандошларимизни миллатидан қатъи назар доимий равишда ҳам моддий, ҳам маънавий томондан рағбатлантириб келмоқда.

Фидокорона меҳнатлари эвазига тақдирланганлар орасида Самарқанд вилояти вакиллари ҳам кўпчилиқни ташкил этади. Жумладан 1994 йил 15 августдаги Самарқанд вилояти ҳоқими П.Абдурахмоновнинг 492 – сонли қарорида вилоятдаги Корес миллий-маданий маркази раиси Ли Алексей Николаевич “Дўстлик” орденига тавсия қилинганлигини кўришимиз мумкин [4;130]. Улардан яна бири сифатида Самарқанд вилояти немис миллий-маданий маркази раиси Кайзер Наталъя Филипповнани келтиришимиз мумкин. Кайзер Наталъя Филипповна 2017 йилда Республика байналминал

маданият марказининг 25 йиллиги муносабати билан миллий-маданий марказларнинг бир гуруҳ фаолларини мукофотлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида кўра «Шухрат» медали билан тақдирланди [2].

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган миллатлараро муносабатлар соҳасидаги давлат сиёсатининг амалдаги ижроси Самарқанд вилояти мисолида тизимли амалга оширилганлигини 2003 йилнинг 15 июлидаги Самарқанд вилояти ҳокими Шавкат Мирзиёевнинг 178 – сонли “Вилоят миллий-маданий марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш Кенгаши тўғрисида” ги қарори мисолида ҳам аниқ кўришимиз мумкин [5; 164].

2015 йилнинг 1 ноябр куни АҚШ давлат котиби Жон Керри Темурийлар давлатининг пойтайти бўлган Самарқандда бўлиб, Темурийлар даврининг шон шавкати, унинг турли миллат ва элатларни бирлаштирган марказ бўлганига яна бир бор ишонч ҳосил қилди. Жон Керри Остонадаги Назарбоев – Университетида Самарқанд ҳақида қўйидагиларни таъкидлади: «Бу турклар, араблар, мусулмонлар, яҳудийлар, юнонлар, арманилар, христианлар, католик, ва несторианлар билан бирдай муносабатда бўлинган шаҳардир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Нью-Йоркда 70 йил муқаддам ташкил қилинган деб ҳисоблаймиз. Йўқ бу Самарқандда бир неча юз йил муқаддам содир бўлган» [7], деб таъкидлаган эди.

Миллий-маданий марказлар турли жамоат ташкилотлари сафида Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик фуқаролик жамияти куриш йўлида ўзларини назарий ва амалий ишлари билан ёрдам бермоқда. 2018 йилда Самарқанд вилоятида миллий-маданий марказлар сони 11 тани ташкил этган. Улар корес, арман, татар, бошқирд, немис, яҳудий, поляк, тожик, рус, турк, озарбайжон, араб миллий-маданий марказларидир. Ушбу миллий-маданий марказларнинг миллатлараро муносабатларнинг шаклланишидаги роли катта.

2018 йил янги ташкил этилган вилоят араблар миллий-маданий маркази ўз сафига вилоятда яшаётган араб миллатига мансуб 62 мингдан зиёд аҳолини бирлаштирди [8].

Нодавлат нотижорат ташкилотлари қаторидаги миллий-маданий марказлар жамоат ташкилотлари сифатида Республикада яшаб келаётган ҳар бир миллатнинг тили ва маданияти, урф одатларини сақлаб қолиш ва уни келажак авлодга етказишни ўз олдига мақсад қилган.

Миллий-маданий марказлар фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида Республика ҳудудида яшовчи турли миллат вакилларининг республика ижтимоий, маънавий маърифий ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлашни кўрсатишимиз мумкин.

Хорижий мамлакатлардаги турдош ташкилотлар ҳамда тарихий ватанлари билан дўстлик, ҳамкорлик, маданий маърифий алоқалар ўрнатиш ва ҳамдўстлик алоқаларини ривожлантириш, Республика байналминал маданият маркази, манфаатдор вазирликлар, идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда ижодий уюшмалар билан ҳамкорликда фуқаролар ҳамжиҳатлиги ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш масаласи Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган миллий-маданий марказларнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Самарқанд вилоятида фаолият юритаётган 11 та миллий-маданий марказлардан 8 таси Самарқанд вилояти адлия бошқармасида давлат рўйхатидан ўтказилган. Ушбу миллий-маданий марказлар корейс, арман, татар, бошқирд, немис, поляк, тожик ва араб миллий-маданий марказларидир.

Ушбу миллий-маданий марказлар жамоат бирлашмаси сифатида Самарқанд вилоят «Луйс» номли арманлар маданий маркази 23.04.2004 йил № 1-н, Самарқанд вилояти «Полонез» поляклар миллий-маданий маркази 30.12.2010 № 188, Самарқанд шаҳар яҳудийлар миллий-маданий маркази 25.08.2014 йил № 145-н, Самарқанд вилояти немислар миллий-маданий маркази 31.07.2014 йил № 32-н, Самарқанд вилоят «Умирзая» татар ва бошқирдлар маданий-маркази 22.08.2014 йил № 186-н, Самарқанд вилоят

тожик ва тожикзабон миллий-маданий маркази 01.08.2019 йил № 113-н [9] рақамлари билан давлат рўйхатига олинган ва ўз фаолиятларини самарали олиб бормоқда.

Янги Ўзбекистонда инсон қадрлари учун шиори остида ислохотлар тизимли амалга оширилмоқда. Ана шундай ислохотлардан бири Дўстлик ва нодавлат ташкилотлари уйининг ташкил этилиши бўлди.

2021 йил 19 март куни Самарқанд шаҳрида дўстлик ва нодавлат ташкилотлари уйининг фойдаланишга топширилиши Ўзбекистон тарихининг миллатлараро тотувлик соҳасидаги янги саҳифаси бўлди. Бунинг натижасида вилоятда фаолият юритаётган 11 та миллий-маданий марказ ушбу бинода ўз фаолиятини давом эттира бошлади. Ушбу бинода миллий-маданий марказлар фаолияти учун барча шарт-шароитлар яратилди [10]. Ушбу тарихий жараёнлар Ўзбекистоннинг миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш борасидаги катта тажрибасини бутун дунёга яна бир бор кўрсатди.

Самарқанд вилоятида республика ташкилотининг ҳудудий бўлинмаси сифатида 3 та миллий-маданий марказ фаолият юритмоқда. Булар рус, турк, ва озарбайжон миллий-маданий марказларидир.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Республикада мавжуд миллий-маданий марказлари қаторида Самарқанд вилояти миллий-маданий марказларида ҳам турли хил байрам тадбирлари, фестиваллар, форумлар ўтказиб келинмоқда.

Самарқанд миллий-маданий марказлари вакиллари «Ўзбекистон – умумий уйимиз», «Ватан битта – Ватан ягона», «Бизнинг кучимиз бирлик ва ҳамжиҳатликда» каби фестивалларда фаол иштирок этиб келмоқда.

2021 йилда бўлиб ўтган «Янги Ўзбекистон ёшлари бирлашайлик» фестивалида ҳам миллий-маданий марказлар вакиллари иштирок этишди.

2021 йилнинг 25 июн куни Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги Имом Бухорий илмий-тадқиқот марказида «Миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни таъминлашда парламентнинг роли» мавзусидаги парламент форуми бўлиб ўтди. Ушбу форумда Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов, Парламентлараро Иттифоқ бош котиби Мартин Чунчанг, Самарқанд Давлат Университети ректори Рустам Холмурадов, Самарқанд «Храм в чест. Покрова Божией Матери» черкови роҳиби ва миллий-маданий марказлар раҳбарлари қатнашишди.

Дунёда миллатлар бор экан улар ўртасида ўзаро муносабатлар ҳам бўлади. Бугун глобаллашувнинг бу жараёнга ўтказётган салбий таъсирининг олдини олиш учун самарали чора тадбирларни ишлаб чиқиш ўз мустақиллигини, эркини, ўзига хослигини кадрлашга қодир бўлган барча миллатлар олдида турган энг долзарб вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида ҳам миллатлараро тотувликни таъминлаш орқали тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаб бориш ғояси давлат раҳбарлари ва ҳукуматнинг доимий диққат марказида бўлиб келган. Президент Шавкат Мирзиёев ўзининг нутқ ва маърузаларида тинчликни таъминлаш, миллатлар ва динлараро тотувлик муҳитини қўллаб-қувватлаш, дин ниқобидаги экстремизм ва терроризмга қарши аёвсиз кураш масалаларини асосий тамойил сифатида олға суриб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасида Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2017-2021 йилларда республикани ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди. Стратегияда бешинчи йўналиш сифатида “Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар” белгиланди. Бу ҳам юртимизда фуқароларимиз хавфсизлиги, миллатлар ва диний бағрикенгликка берилаётган юксак эътиборнинг белгиси ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида Самарқанд вилоятида ҳам аҳолининг кўпмиллатли эканлигини ҳисобга олган ҳолда тинчлик ва осойишталикни сақлаш ва янада мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлган миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш, барча миллатга мансуб аҳолининг маънавий-маданий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган миллий-

маданий марказлар фаолияти қўллаб-қувватланиб, миллатлараро муносабатлар тизими такомиллаштирилиб келинмоқда.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, 1992 йилда юртимизда 10 та миллий-маданий марказлар фаолият олиб борган бўлса, ҳозирда уларнинг сони 140 дан ошиб кетган.

Мустақиллик туфайли жамиятимизнинг барча соҳаларида бўлаётган туб сифат ўзгаришлар миллатлар ва миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга қулай шарт-шароитларни вужудга келтирди. Айни вақтда шулардан тўлиқ фойдаланган ҳолда миллий ва миллатлараро муносабатлар соҳасидаги барча мавжуд камчиликларни бартараф этиш борасида кенг миқёсда ижобий ишлар қилинмоқда. Жумладан, бошқа миллат вакиллари оғина тилида таълим олиш борасидаги эҳтиёжлари тўлароқ қондирилмоқда. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, маданий ва маънавий бойликларни тақсимлаш масалаларида ижтимоий адолат тамойилига асосланмоқда. Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг тарихий Ватанлари билан алоқалари мустаҳкамланмоқда. Миллий тилларда рўзномалар, китоблар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва бошқа адабиётлар нашр этилмоқда. Кўпчилик миллатларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиб телевизион кўрсатув ва радио эшиттиришлар ҳажми кенгайтирилмоқда.

Дунёнинг камдан-кам мамлакатларида кузатиладиган ҳолат, Ўзбекистонда таълим 7 тилда (ўзбек, қорақалпоқ, рус, тожик, туркман, қирғиз ва қозоқ) олиб борилади. Яна бир диққатга молик жиҳат – Республикадаги оммавий ахборот нашрлари ҳам турли тилларда чоп этилади, қардош халқлар тилида бир қанча радио ва теледастурлар олиб борилади.

Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳудудлари қаторида Самарқанд вилоятида ҳам бошқа миллат вакилларига барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Бу эса вилоятимизда яшаётган турли миллат ва элатларнинг тили, урф-одатлари, анъаналари эъзозланаётгани, бу борада миллий-маданий марказларнинг миллий қадриятларни тиклаш, бойитиш йўлида имкониятлар

эшигини очувчи маскан сифатида самарали фаолият юритаётганидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жўраев Н., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2011. – 684 б.
2. Халқ сўзи // 2017 йил, 25 январ.
3. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи қисм. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2001. 672 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси девонхона архивининг Самарқанд вилояти бўлими 1552-фонд, 1-рўйхат, 300 - йиғма жилд, 130-варақ.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси девонхона архивининг Самарқанд вилояти бўлими 1552-фонд, 1-рўйхат, 1772- йиғма жилд, 164-варақ
6. <http://xs.uz/uz/post/millatlararo-munosabatlar-sohasida-ozbekiston-respublikasi-davlat-siyosati-kontseptsiyasini-tasdiqlash-togrisida> 2019 yil 15 noyabr
7. <http://fikir.uz/blog/poems>. 18.09.2019
8. [http // zarnevs.uz /uz/ post/](http://zarnevs.uz/uz/post/) 10.01.2020
9. [https //w.w.w.minjust.uz/uz/interaktive/reestr-nokommerce](https://w.w.w.minjust.uz/uz/interaktive/reestr-nokommerce). 03.03.2021
10. zarnevs.uz/uz/post/samarqand-shahridagi-do`stlik-va-nodavlat-notijorat-tashkilotlariuyi-binosi-foydalanishga-topshirildi. 19.03.2021